

## ИСЛОМ МАНАВИЯТИДА ТИЖОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Хакимова Сайера Олимжоновна

ТТПУ Ал Ижтимоий фан ўқитувчиси

### **А Н Н А Т А Ц И Я**

Мақолада Исломда тижорат, савдо-сотиқ илми, қонун қоидалари баён қилинади. Шахарларнинг обру эътиборини ва шон шухратини кўрсатувчи Махаллий бозор, Худудий бозор, Миллий бозор ва Жаҳон бозорлари ҳақида сўз юртилади.

**ТА Я Ч С Ъ З Л А Р:** Шариат, омонат, халол, судхўр, хадис, тижорат, ўлчов, давлат, вояга етган, хажим, миқдор, қўшимча қиймат.

Жамиятнинг иқтисодий ҳаёти масалаларига доир қарашларнинг вужудга келиши узоқ тарихий тараққиётнинг натижасидир. Бундай қарашлар дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари тарихида мавжуддир. Тарихий тараққиётнинг турли даврларида ўша даврларнинг илфор кишилари жамиятнинг иқтисодий ҳаётида бўлаётган воеяларга ўз муносабатларини у ёки бу даражада билдирганлар ва бу масаладаги ўз қарашларини турли шаклларда ва турли даражада ифодалаб келганлар. Ана шундай қарашларнинг умумий замирларида араблар худудида яшаб ижод этган буюк мутафакирларнинг хизматлари хам каттадир. Улар ўзларининг қадими, тарихий, бадиий асарларида жамиятнинг иқтисодий ҳаёти, иқтисодий муносабатлари масаласига доир қимматли фикрларини илгари сурғанлар. Буюк мутафакирларнинг иқтисодий муносабатларга доир қарашларини улар яшаган даврдан ажралган холда ўрганиш мумкин эмас албатта. Бунинг асосий сабаби шундаки уларнинг дунё қарашларига ўша даврлардаги иқтисодий-сиёсий тартиблар, давлатни идора қилиш усувларида, асосий омил бўлган. Шунинг учун ҳам ўзларининг асарларида давлат бошлиқлари хукмдорларни ва уларнинг амалдорлари олиб борган иш усувлари ҳақида, халқларнинг босқинчиларга қарши кураши ва улар ичида отилиб чиққан қаҳрамонлар ҳақида муҳим маълумотлар берганлар.

Феодализм жамияти ва давлатида ислом ғоялари асосий ўринни эгаллаган. Исломда ички зиддиятлар ривожланиб турли ғоявий сиёсий оқимлар келиб чиққан. Уларнинг хаммаси мазлум синфлар устидан ҳоким синфларнинг иқтисодий сиёсий ва маънавий хукмронлигини таъминлаш учун хизмат қилган. Араб мамлакатлари худудида вужудга келган иқтисодий қарашлар турли давирда яшаган олимлар ва тарихчиларнинг асарларида ифодаланган. Қадим замонлардан бошлаб араб мамлакатларида йирик иқтисодий фикрловчи олимлар етишиб чиққанлар улар ўз асарларида инсон фаолиятининг энг муҳим, зарурый тармоқларидан бири бўлмиш олди-берди ва савдо-сотиқ “тожорат” масалалари ҳам батафсил баён этилган. Бу жуда табиий бир холдир, чунки тижорат исломда ғоят кенг тарқалган фаолият машғулотлардан бири саналади. Шарқдаги катта кичик шахарлар ва қишлоқларнинг хаммасида энг аввало бозор бўлган, бозорсиз шахар қишлоқ бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

**Ўтлик, сувлик, чўллик қишлоқ яхшидур,**

**Хар шахарнинг бир бозорий бўлмаса**

Махтумқули

Шахарнинг обрў эътиборини ва шон- шухратини жумладан унинг қайси савдо йўлида жойлашганлиги, бозорларнинг гавжумлиги ва ободлиги, ва улардаги нарх- наво, маҳсулотларнинг хили ва навлари, қайси мамлакатдан савдогарлар келиб кетиб туриши, карvonсарой, мусофиরхона, зиёратгоҳларнинг мўллиги кабиларга бевосита боғлиқ бўлган.

Бозор ўзининг миқёсига қараб ҳам турланади. Шу жиҳатидан маҳаллий, худудий, миллий ва жаҳон бозори мавжуд. **Маҳаллий бозор** кичик, масалан, қишлоқ, туман доирасидаги бозор бўлиб, унда асосан шу ерли сотувчилар ва харидорлар иштироқ этади, сотиладиган аксарият товарлар ҳам шу ерни ўзиники бўлади. **Худудий бозор** - бу йирик худудий чегарадаги бозордир. Бу ерда фақат маҳаллий аҳоли хунармандлар эмас, балки келгинди сотувчилар ва харидорлар ҳам бозор алоқасига киришади. Масалан, қуи Амударё оқимидағи худудий бозор бу Хоразм вилояти ва Қорақолпоқистондаги бозордир. **Миллий бозор** - бу муайян мамлакатнинг миллий чегараси доирасидаги яҳлит бозор, у турли бозорларнинг мажмуасидан иборат. Бу бозорда муайян мамлакатдаги жамики хунармандлар, аҳоли, давлат ташкилотлари ва қисман хорижликлар иштироқ этишади. Миллий бозорлар бир-биридан ўзининг ҳажми, товарлар таркиби, хоридорлар ва сотувчilarнинг сони жиҳатидан фарқланади. **Жаҳон бозори**- бу халқаро миқёсидаги ва турли мамлакатлардаги фирмалар ва хукумат идоралари иштироқ этадиган бозор, бу ерда турли мамлакатларда ишлаб чиқилган товарлар олди-сотдиси юз беради. Бу бозорда улгуржи савдо юз беради, энг муҳим маҳсулотлар (бўғдой, пахта, жун, кўмир, метал, нефть, газ ва ҳ.қ.) сотилади ва ҳарид этилади.

Чиндан ҳам Шарқ ўлкан бир бозордирки, Бағдод, Дамашк, Истамбул, Бухаро ва Самарқанд, Тошкент қаби жаҳоншумул шахарлардаги маданият, санъат, илм-фан, хунармандчилик тараққиётининг бу ердаги тијорат ривожига алоқадор эканлиги хеч бир исбот талаб этмайди албатта. Ватан тараққиёти хавоий тушунча емас, балки аниқ бир харакатдир, бу харакатнинг асоси ҳар бир одамнинг ташаббусидан бошланади. Яъни ҳар бир инсон ўзининг юртидан чииқган маҳсулотни сотиб олишлиги мамлакат ривожи учун бир заррадек кўринсада, бирор ана ўша зарралардан тараққиёт бошланади. Шарқда минглаб-миллионлаб кишиларнинг турмуши, тириклилига, фаровонлиги азал- азалдан таъминлаб, белгилаб келган тијорат ишларини идора этиш бошқариш, савдога мол тайёрлаб берувчи, шу молни сотувчи ва ҳарид қилувчининг ўзаро алоқа муносабатларини маълум бир қонун қоидалар асаосида йўлга солиб туриши бобидаги жаъмики амаллар, мана XIY асрдирки, аксарият холларда шарият негизида курилгандир.

Шарият қонунларида савдо битимларини тузиш ёки бекор қилиш борасида ҳам муъаян шартлар белгилаб қўйилган, масалан мазкур битимда ёлғон, алдов содир бўлганлиги фош бўлса:

- Сотувчи оловчи киши қўзига молни нархини оширомоқчи бўлиб, уни қийматидан юқори баҳода берса ва олса.
- Молнинг айби ёки сифатсизлиги ошкора бўлса.
- Сотилган молни бир қисми савдода ошириб-тошириб таърифласа-ю, шу айтганлари ҳақиқатга тўғри келмаса, савдо битими бекор қилинган хисобланади.

Савдо ширкатлари тузиш масалалари ҳам шариятда аниқ баён этилган. Масалан, ширкат аъзоси шериклардан бирининг савдодан кўриладиган даромаддан бошқаларга қараганда менга кўпроқ тегишли-деб шарт қўйиш, ёхуд ўзи кўрган зиённи бошқалар устига ағдаришига мутлоқо хуқуқи йўқдир.

Аммо, бир- икки кишини савдо ишларидан четлатиш ёки бирон бир кишига кўпроқ даромад ажратишга шарият йўл қўяди, фақат томонлар ўзаро келишилса бас. Яна шариат қонунларига биноан шерикларидан хеч бири томонлар розилигини олмай туриб, қарзга мол сотиш ёки ҳарид қилишига ҳақли эмас, бу хилда мустақил иш кўрган киши эса заарини ўзи қоплайди. Набодо шерикларидан бири қазо қиласа ёки ақлдан озса уни ширкатдан чиқариш масаласи ҳал этилмагунча бошқа бир аъзо умумий молни, даромадини якка ўзи ўз холича таъсарруф этолмайди.

Юқорида тилга олинган қонун қоидаларининг ўзидан ҳам яққол қўриниб турибдики ислом амалалиётида тижорат жуда катта иқтисодий аҳамиятга молик бир иш деб хисобланади. Шу боис неча- неча асрлардан бери барча мусулмон давлатларининг хатто энг олий хукумкордорлари ҳам савдо-сотиқ ишларини ҳар жиҳатдан рағбатлантириб, уни давлатнинг асосий даромад соҳаларидан бирига айлантириш устида муттасил ғамхўрлик қилиб келадилар ва шу каби ишларида Расуллоҳдан ибрат оладилар.

Мадинада илк ислом жамоаси юзага келган дастлабки даврданоқ Муххамад Русланнинг ўзлари тижорат масалаларига диққат эътибор берганлар. Бу ҳақида Сарвари Коинотнинг хикматли сўз ҳадислари ҳам ёрқин далолатдирки, шулардан айримларини мисол тариқасида келтирамиз. Касбнинг энг яххиси кишининг ўз қўли билан бажарадиган иши ҳалол савдодир. Кишиларнинг моллини ноҳақ деб кетишига уч одамлар қиёмат куни дўзахга маҳкумдирлар:

- Савдо- сотиқда ҳадеб қасам ичишдан сақланинг! Зеро у олдин фойдани кўпайтириб сўнг барббод қиласур. Ўзаро савдола-шувчилар то ажралишмагунча эҳтиёрлидурлар (савдони бузиш хуқиқига эгадурлар). Ҳар иккиси тўғри сўзлаб мол айбини ошкора айтиб, савдо қиласалар, савдолари баракали бўлур. Агар ёлғон сўзлаб мол айбини яширсалар, савдони баракаси йўқоллур.
  - Кўрқоқ савдогар бойлиқдан маҳрум, қўрқмас савдогар эса омадлидир. Бозорларимизга четдан мол олиб келиш оллоҳ ўйлидаги **жиҳот** кабидир. Ҳақингизни ҳоҳ мукаммал, ҳоҳ ками билан бўлсада, **ҳалол** қилиб олингиз!
  - Кимки билиб туриб, ўғирлик молнии сотиб олса, у шу ўғирликни гуноҳига шерик бўладур. Савдода ўзи билмайдиган молнинг нархини кўтариб сотиш исломда йўқдир.
- Бугун юртимиз тараққиёт бобида жадаллик билан усиб бормоқдаки айниқса иқтисодий соҳани такидламасликни иложи йўқ. Юртбошимиз ҳар бир нутқларида ҳалқни рози килиш, иқтисодини яхшилаш борасида такидлаганлари бежиз эмас.
- Ягона мақсад ҳалқ манфаати ва фаровонлиги дур.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз - Т.: “Ўзбекистон”, 2018.
2. Хомидий Х. “Кухна шарқ дарғалари” Т. 1999.
3. Тожибоев А.А., Асатуллаева М.Н “Иқтисодий таълим-тарбия жараёнида маънавий меъросларидан фойдаланиш” Тошкент, Касб хунар таълими №1 2005.
4. Тожибоев А.А. “Иқтисодиёт эркинлиги – фаровонлик манбайи”. Т. 2007.